Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 30 июнь, пайшанба № 109 (21.713). Сотувда эркин нархда:

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

28 июнь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Американинг Томас Свейн бошчилигидаги «Чейз манхэттен банк» делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти меҳмонларга республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Германия, Франция ва Буюк Британия каби давлатларнинг йирик банклари билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар ҳақида сўзлаб берди. Ушбу нуфузли банкларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари қаторида «Чейз манхэттен банк»нинг ҳам ваколатхонаси бўлишига умид билдирди. Ўзаро ҳамкорлик учун барча имкониятлар мавжудлигига, хорижий сармоядорлар ва банк эгаларига қулай шароит яратилганига эътиборни қаратди.

— Ҳар қандай катта иш, жумладан ислоҳот, иқтисодий тараққиёт ва ривожланиш ҳамкорлик асосидагина амалга ошади,— деди Ислом Каримов.— Фақат бу алоқалар тенглик ва ўзаро манфаатли муносабатлар асосига ўрнатилмоғи зарур.

Суҳбатда Ўзбекистон Миллий банки «Ч. М. Б.» билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнаттани, ўзаро муносабатлар ҳақида тегишли ҳужжат имзолангани таъкидланди.

Делегация раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этар экан, суҳбат чоғида тилга олинган кўпгина муаммолар тез орада амалга ошишига ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Қани ким айтади? Дўппи санъатми, маданиятми? Иккиси ҳам! Бундан ташқари у яна гўзаллик, миллийлик кўзгуси. Таърифу-тавсиф кўп. Қай бирини айтайлик. Бу — юз-кўзларидан нур ёғилиб турган қизнинг исми-шарифини сўрасак, «Ўзбекистондан-ман, ўзбек» деб кулиб қўйди. Кейин ўйладик ва суюниб кетдик. Ана сизга элнинг, халқнинг ғурури, шарафи. Дўппи ҳам шу халқнинг ғурури эмасми? Демак, дўппилар кўпайсин...

Суратни Абдувоҳид ТУРАЕВ олган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН АВТОМОБИЛЬ БЕНЗИНИ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ТАРИФЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикага келтирилаётган ёқилғи ресурслари нархларининг ошиб бораётгани муносабати билан ҳамда йўловчи ташиш транспортининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб аҳолига сотиладиган автомобиль бензинининг чегаралланган чакана нархлари ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Республика аҳолисининг айрим тоифаларига илгари қабул қилинган қарорларга мувофиқ берилаётган амалдаги имтиёзлар сақлаб қолинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги уч кун муддатда мазкур қарор иловасига мувофиқ янги чакана нархлар ва тарифлар прейскурантларини тасдиқласин ҳамда барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказсин.

4. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси, унинг жойлардаги органлари автомобиль бензинини нақд пулга сотадиган автомобиль бензини қуйиш станцияларидаги автомобиль бензини қолдиқларини 1994 йил 1 июлдаги ҳолатга кўра қайта баҳолаб чиқсинлар ҳамда қайта баҳолашдан тушган маблағларни ўзларининг айланма маблағларини кўпайтиришга йўналтирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган аҳолига сотиладиган автомобиль бензинининг чегаралланган чакана нархлари ҳамда шаҳарда ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчи ташиш транспорти хизматларининг тарифлари бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

А. МУТАЛОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 29 июнь

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1994 ЙИЛ 29 ИЮНДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ШАҲАРДА ВА ШАҲАР АТРОФИГА ҚАТНАЙДИГАН ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИНИНГ ҲАМДА БЕНЗИН ЧАКАНА НАРХЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

	Ўлчов бирлиги	бир бирлик учун сўм ва тийинлардаги чакана нархи (тариф)
Автомобиль бензини (ўртача)	л	1—50
Шаҳар транспортида йўловчилар ташиш: автобус, трамвай, троллейбус метро	1 марта юриш	0—20
Шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда йўловчилар ташиш: умумий типдаги	1 км йўл учун	0—04
юмшоқ ўринли	1 км йўл учун	0—05

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мажлиси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ў. Кунназаров аризасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси вазифасидан озод этилди. Илгари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари бўлиб ишлаб келган Б. Юсупова Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси этиб сайланди.

Мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раиси У. Аширбеков, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Ҳ. Жамолов сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *Миллий пулимиз—ойдин йўлимиз*

ФАХРИЙЛАР ҚУВОНЧИ

Бутун республикамиздаги каби Сирдарёда ҳам миллий валютамизнинг муомалага киритилиши катта хурсандчилик билан кутиб олинмоқда. Барча шаҳар ва туманларда тегишли муассасаларнинг ходимлари бу тарихий тадбирни муваффақиятли ўтказишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Ниҳоят бизлар 28 июнь куни миллий валютамизни биринчилардан бўлиб олишга муваффақ бўлдик. Шаҳарда шу куни кечга қадар биринчи галда нафақахўрларга, уруш ва меҳнат фахрийларига миллий пулимиз тарқатилганидан ғоят даражада мамнун бўлдик.

Бу кунни асло ёдимиздан чиқармаймиз. Чунки ниҳоят биз ўз миллий валютамизга эга бўлдик. Республика мустақиллигини мустаҳкамлаш борасида яна бир муҳим қадам ташланди. Эндиликда ўзбек пулининг қадрини ва қудратини ошириш учун ҳаммамиз астойдил курашмоғимиз керак.

Иноят АЛЛОМУРОДОВ,
Гулистон шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

ЯХШИЛИККА ЯРАСИН

Кўп қатори менинг қўлимга ҳам миллий пулимиз тегди. Очиғи уни олиб кўзларимга суртдим: илоҳим, қадринг баланд бўлсин, мустақил республикамизнинг яхши кунларига ярагин, деб қўйдим ичимда. Энди бу пул билан биз муомала қиламиз, уни қадрлашимиз, асрашимиз, ўз меҳнатимиз билан қийматини оширишимиз зарур.

Мен туман марказий касалхонасининг оддий шифокориман. Беш нафар фарзандим бор. Янги пулимизнинг қадрини фарзандларимга тушунтириб бердим. Пул — бу ойдин йўлимиз, эртанги кунга муносабатларимиз шу валютамизга боғлиқ эканлигини қайта-қайта таъкидладим.

Эсон НОРМАТОВ,
Ғаллаорол тумани марказий касалхонаси шифокори.

БАХТЛИ КУН НАСИБ ЭТДИ

Кеча рўй берган воқеадан кўнглим хуш бўлди. Умримнинг энг ғаройиб ва ажойиб бир куни кечди. Биз аввалари шўролар мамлакатининг пулидан бошқа пул ўзимизда бўлишини сира тасаввур қилолмасдик. Мана энди қандай ёруғ кунлар насиб этди-я? Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий, ўз миллий валютасини кўриб бошим осмонга етди. Чунки мен тенгилар, қолаверса, сабоқдошларим ҳукуматимиз раҳбарияти ўзбек сўми ҳақида гапира бошлаганидан бери бу кунни интиқ кутаётган эдик. Ниҳоят бир бахтли кун насиб этди. Айниқса биз — талабаларга янги пулнинг биринчи навбатда тарқатилгани ҳайрли бўлди.

Унинг қадрини ошириш, мустаҳкамлаш эса ўзимизга боғлиқ.

Содиқ ЭШМАТОВ,
Тошкент кимё-технология институтининг 3-курс толиби.

ДАВР МАСЪУЛИЯТИ ЗИММАМИЗДА

Ижтимоий-сиёсий вазият барқарорлиги билан Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида ажралиб турган республикамизда иқтисодий ислоҳотларнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди. Ушбу тақдироломон даврда жамиятнинг етакчи сиёсий кучи бўлмиш Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг олдида ҳам масъулиятли вазифалар турибди. Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расулов 27—28 июнь кунлари Фарғона вилоятининг қатор шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, партиямиз фаоллари билан учрашуваларда шу ҳақда сўзлади.

Бешариқ — вилоятнинг шимолий дарвозаси. Бу ерда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш йўлида кўпгина ишлар қилиняпти. Қишлоқларни газлаштириш жараёни деярли ниҳоясига етди. Қатор кичик корхоналар ишга туширилди, хом ашё етишмаслигига қарамай уларда иш тўхтагани йўқ. Яккатут қишлоқ машинасозлиги корхонасида тайёрланаётган маҳсулотларнинг ярми халқ истеъмоли молларидир.

М. Росулов «Намуна», «Яккатут» ширкатлар уюшмалари далаларида бўлиб, республикамиз мустақиллигини таъминлаш йўлида қилинаётган ижобий ишларни кўрди, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ва омборларга топшириш хусусида одамлар билан суҳбатлашди. Ҳосилни тез ва соз ўриб олишни ташкил этишда тумандаги ХДП бошланғич ташкилотлари, партия фаолларининг ҳиссаси ҳам катта бўлаяпти. Шу боис туманда партиямизнинг обрўйи баланд, унинг сафлари муттасил ўсиб бормоқда. Биргина «Яккатут» ширкатлар уюшмасининг ХДП бошланғич ташкилоти ўз атрофига 284 нафар партия аъзосини жиплаштирган.

(Давоми иккинчи бетда).

• *Матбуот кўзгусида*

ЎЗБЕКИСТОН: ЭНГ МУҲИМИ—БАРҚАРОРЛИК

Тошкент халқаро валюта фонди ва Гарвард университети мутахассислари таклиф этаётган ислоҳотлар концепциясига анчагина ишончсизлик билан, Туркия, Хитой, Жанубий Корея тажрибасига эса катта қизиқиш билан қарайди. Ислом Каримов ва унинг ҳаммаслаклари Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти истиқболларини республиканинг саноат салоҳияти, моддий ресурслар, хом ашё ва олтин заҳирасидан самарали фойдаланишга боғлиқ, деб ҳисоблайди. Президент Фармони билан хусусий мулк дахлсизлиги кафолатланган. Саноат корхоналари, савдо объектлари, хизмат кўрсатиш соҳаси, шунингдек қурилиш соҳасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жадал суратлар билан бормоқда. Мамлакатга келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларига бож бекор қилинган. Солиқларнинг умумий миқдори 28—30 фоиздан ошмайди. Бундан ташқари, 50 фоиздан ортиқ хорижий капитал ҳиссаси қўшилган корхоналар солиқдан озод қилинган. Қишлоқ хўжалик корхоналари ҳам солиқнинг барча туридан озод қилинган. Бу йил барча давлат хўжаликларини фермер хўжаликлари, ассоциация ва бошқа уюшмаларга айлантиришни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Сиёсий барқарорлик ва Ўзбекистон раҳбарияти иқтисодиёт соҳасида ўтказаётган снёсат хорижий сармоядорларни жалб этмоқда. И. Каримовнинг «Мерседес» концерни ва Жанубий Кореянинг «ДЕУ» корпорацияси билан бевосита ўрнатган алоқаси туфайли Ўзбекистонда автомобиль заводлари қурила бошлади. Февраль ойида дастлабки «Мерседес» юк машиналари чиқарила бошланди. Келажакда эса машҳур фирманинг енгил машиналари ҳам чиқарилади. «ДЕУ» корпорацияси Андижондаги трактор прицеплари заводи негизида кичик енгил автомобиллар, фургонлар ва юк машиналари ишлаб чиқарадиган завод қурилишини бошлаб юборди.

Франциялик мутахассислар кўмагида Мингбулоқ нефть конини (400 миллион тонналик заҳирага эга) ўзлаштириш бошланди. Нефть отилиб чиқа бошлаши ва коннинг истиқболи ҳисоб-китоб қилиниши биланоқ зарур бўлган ёрдамчи соҳалар — темир йўл, темир қувур, терминал ва бошқаларни қуриш бошлаб юборилди. Шу йилнинг ўрталаридаёқ нефтнинг дастлабки тонналарини олиш режалаштирилган. Кон ёнида нефтни қайта ишловчи завод қурилмоқда. Фарғонадаги бошқа ана шундай завод замонавий техника билан жиҳозланмоқда. Дастлабки тахминларга қараганда, Мингбулоқ нефти 1996 йилдан бошлаб республиканинг нефтга бўлган эҳтиёжини тўла қоплайди.

Туркия ва Покистон фирмалари кўмагида йигирмага яқин мўъжаз тўқувчилик фабрикалари қурилмоқда. Уларнинг айримлари ҳозир қуриб битказилган. Гувоҳларнинг далолатига қараганда, бу фабрикаларнинг маҳсулоти жаҳон андозаларидан қолишмайди.

Ўзбекистонда ҳар йили 70 тонна олтин қазиб олиниб, яхши сақланмоқда. Маҳаллий мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистоннинг олтин заҳираси Россиянинг билан тенглашиб қолган. Ўзбекистон ўзининг олтин заҳираси шу йил июнь—июль ойларида муомалага киритиш мўлжалланаётган миллий валютасининг қувватини таъминлашга ишонади.

Агар республикада сиёсий барқарорлик, миллатлараро тотувлик мавжуд бўлмаганида Ўзбекистон 1994 йилнинг баҳорига бундай натижалар билан келиши муаммо эди. Бундай вазиятнинг мавжудлигида ўзбекларнинг миллий хусусиятлари кучли ҳокимиятга эҳтиром, сабр-бардошлилик, жамият ҳаётида маҳалланинг аҳамиятини оширишда ўз ифодасини топаётган жамоатчилик туйғусининг кучлилиги катта омил бўлмоқда. Бошқа томондан олиб қараганда эса, агар ҳокимият барқарорликни сақлаб туриш учун етарли чора-тадбирлар кўрмаганида, бу хусусиятларнинг аҳамияти ҳам унча катта бўлмасди.

Барқарорлик асосини мустаҳкам давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идораси — маҳаллага таяниш ташкил этади. 300 дан 1500 гача оила истиқомат қиладиган маҳаллалардаги барча муҳим воқеа — тўй, фарзанд туғилиши, дафн маросими, маиший ва бошқа муаммоларни ҳал этишда маҳалла оқсоқоллари ва вакиллари бевосита иштирок этади. 1992 йилда давлат ҳокимиятини ислоҳ қилиш жараёни асосан ниҳоясига етди. Бу жараённинг моҳияти ҳокимиятни коммунистик партиядан олиб, давлат тузилмаларига беришдан иборат бўлди. Натижада илгари ташаббускор ташкилот сифатида мавжуд бўлган, айрим жойларда эса умуман мавжуд бўлмаган маҳаллалар ҳокимиятнинг бошланғич идораларига айланди.

Ўзбекистон компартияси Халқ демократик партиясига (ХДП) айлантирилиб, тубдан ислоҳ қилинди. Ҳозир унинг сафида 340 минг аъзо бор. Шуни айтиш лозимки, ХДП аъзоларининг 70 фоизидан ортиғи илгари компартия сафида бўлмаган кишилардир.

Депутатларнинг учдан икки қисми ХДП аъзосидир. Бу партия жамиятнинг иқтисодий ҳаётига аралашмайди. Бироқ, И. Каримов ўтказаётган сиёсатни мафкуравий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари билан Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон давлат ҳокимияти тизимида имтиёзли ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда жиноят билан боғлиқ вазият назоратдан чиқиб кетгани йўқ. Бошқа пойтахтларда кундуз куни кўчалардаги отишмалар одатдаги иш бўлса, Тошкентда жуда камдан-кам содир бўладиган ҳодиса. Бир йил муқаддам Тошкентда ҳар куни 50—60 автомобиль олиб қочилган бўлса, ҳозир атиги 1—2 та автомобиль ўғирланади. 1993 йилда республика бўйлаб бир қанча махфия гуруҳларни тугатишга доир операциялар ўтказилди. Бир неча йирик махфия бошлиқлари қамоққа олинди. Ҳокимият шу тариқа жиноий олам бошлиқларига республикада хўжайин кимлигини кўрсатиб қўйди. Жиноятчилик, шу жумладан уюшган жиноятчилик йўқ бўлиб кетмади, албатта, бироқ маълум даражада ушлаб турилибди.

Ўзбекистонда мухолиф «Бирлик» ва «Эрк» партияларига нисбатан жуда қаттиқ йўл тутилмоқда. Бу ташкилотлар раҳбарларининг бир қисми қамоққа олинди, бошқа бир қисми Туркияга, АҚШ, Германия ва Саудия Арабистонига кетишга мажбур бўлди. Ҳокимият мухолифатнинг фаолиятини тўхтатиб қўйди. Фаолларнинг тарқоқ гуруҳлари гоҳ-гоҳда республиканинг айрим туманларида бош кўтармоқда, лекин улар сиёсий вазиятга ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди.

Ҳокимиятнинг мухолифатчиларга нисбатан қаттиққўллиги Ўзбекистондан ташқарида ҳам сезилди. Оқибатда хориждаги оммавий ахборот воситаларида инсон ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги мавзу миллий-демократик ҳаракатларнинг вакиллари ҳокимиятга келаётган эди.

Лекин Ўзбекистон раҳбарияти мухолифатнинг мустақиллик, истиқлол, тилни, маданиятни тиклаш шиорини ўзиники қилиб олди. Бундан ташқари, И. Каримов мухолифатдаги энг кучли шахсларни ўз томонига оғдиришга ҳаракат қилди. Натижада И. Каримов командаси ақл-заковат салоҳияти жиҳатидан мухолифатдан устун бўлиб қолди, бу эса уларнинг ҳаракати сифатида ҳам, обрў-эътиборида ҳам ўз ифодасини топди.

Молдавия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистондаги миллий ҳаракатлар тажрибасини ўрганиш ва уни Ўзбекистон мухолифати ҳаракатлари билан қиёслаш натижасида уларнинг сиёсий дастурлари, мафкураси ва кураш усуллари мутлақо бир хил деган хулосага келиш мумкин. Ўзбекистон мухолифати раҳбарлари Озарбайжон халқ жабҳаси тажрибасини қўллашга урниб кўрдилар. Ўзбекистон мухолифати раҳбарлари ҳокимиятни қўлга киритган тақдирда, чамаси Молдавия, Озарбайжон, Грузия ва Тожикистон босиб ўтган йўлга ўхшаш тараққиёт йўлини таклиф қилган бўлар эди. Бундай йўл Ўзбекистонда аввало миллатлараро низо чиқишига, қон тўкилишига ва ҳаммаёқ вайрон бўлишига олиб келган бўларди. Бунга барчанинг ишончи комил. Бундай аҳвол Ўзбекистон мухолифатининг раҳбарлари Абдураҳим Пўлатов, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар қон тўкилишини ва вайронагарчиликни истагани учунгина эмас, улар ўзлари қўзғаб қўйган вайрон этувчи кучларни жиловлаб ололмагани туфайли юз берган бўларди. З. Гамсахурдиа билан А. Элчибейнинг фаолияти ва тақдири буни исботлаб турибди.

Ўтган йили Тошкентдаги мустақил «Эксперт» ижтимоий маркази (директори Алишер Илҳомов) ўтказган сўров шуни кўрсатдики, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги вазиятни худди шундай тушунади. Сўров натижалари далолат беришича, сўралган аҳолининг 85,5 фоизи И. Каримов ва унинг командасини қўллаб-қувватлайди. Сўровда иштирок этган руслар, украинлар ва беларусларнинг 77 фоизи Ўзбекистоннинг ҳозирги раҳбарияти амалга ошираётган йўлни қўллаб-қувватламоқда. Сўралган кишиларнинг кўпчилиги республиканинг сиёсий раҳбари иқтисодиётни яхши билиши ва давлатда тартиб ўрнатиш лозим, деб ҳисоблайди. Ниҳоят, уларнинг 57,8 фоизи (шу жумладан сўровда иштирок этган славяларнинг ярми) ташқи ўзгаришларга қарамай, Ўзбекистон ҳокимияти эски даврдаги каби ҳаракат қилмоқда, деган фикрга қўшилмайди.

Кузатувчилар узоқ вақт давомида Ўзбекистон ўз тараққиёти учун қандай йўлни танлаб олганини — Туркия, Хитой, Жанубий Корея йўлиними ёки бошқа бирон йўлни танлаганини аниқлашга урриндилар. Бир неча йилдан сўнг Ўзбекистон йўли тўғрисида мустақил ҳодиса сифатида гапириш учун асос пайдо бўлса ҳам ажаб эмас.

Вахтанг ШЕЛИЯ,
(«Утро России» ҳафтаномасининг 1994 йил, 21-сонидан).

ДАВР МАСЪУЛИЯТИ ЗИММАМИЗДА

(Давоми. Бошқ биринчи бетда).

Шу куни М. Расулов туман партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан мулоқот қилди. Жонли, ўзаро фикр алмашинув тарзида ўтган суҳбат чоғида биринчи котиб республика Олий Кенгаши XV сессияси қабул қилган қонунлар, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқи, унинг миллий валютамизни муомалага киритиш тўғрисидаги фармонлари ва Марказий Кенгаш X пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишда ҳар бир ХДП аъзоси чин дилдан, ўзини аямай ишлаши лозимлигини уқтирди. Республикамиз масъулиятли даврни бошидан кечирмоқда. Иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий муаммоларни ечиш жараёнида партия аъзоларидан ҳалоллик, жонкуярлик, шахсий ташаббус ва ибрат кўрсатиш, ислоҳотлар ғоясини ҳар бир фуқарога етказиш жонизлиги таъкидланди.

Олтиариқ туманида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда туман ҳокимлиги ва ХДП туман кенгашининг баҳамжиҳат, қўлни қўлга бериб ишлашлари муҳим омил бўлмоқда. Туманда очилган кўплаб кичик корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқдалар.

Мазкур тумандаги бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан учрашувда М. Расулов аҳолини ижтимоий муҳофазалаш юзасидан чиқарилган Президентимизнинг фармонларини изчил амалга ошириш, ислоҳот муаммолари, Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш масалаларига тўхталиб ўтди.

М. Расулов ХДП сафига ўтган янги аъзоларга партия билетларини топширди ва туман матбуотчиларини байрам билан қутлади.

Юртбошимизнинг 25 июнь куни республика Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда сўзлаган нутқида кўтарилган масалалар — халқ дилидаги гаплар. М. Расулов Фарғона шаҳри марказий бозорида бўлиб, маҳсулот олиб келган деҳқонлар ва харидорлар билан суҳбатлашди. Суҳбатдошлар Президентимизнинг бозорларни турли чайқовчи, олиб сотарлардан тозалаш, деҳқон ва харидор ўртасидаги ортиқча воситачиларни бартараф этиш, нарх-навонинг барқарорлигига эришиш ҳақидаги сўзларини тўла маъқуллаб, нопок кишиларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши лозимлигини таъкидладилар. Бозорда мева ва сабзавотнинг турлари кўп, нархи анча арзон. Аммо олибсотарлар ҳали бозорлардан тўлалигича сиқиб чиқарилгани йўқ. Афсуски, бозорда халқ манфаатларига зид фаолият кўрсатаётганлар устидан назорат этувчи ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги яққол сезилиб турибди.

Учкўприкда бўлиб ўтган вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари котиблари билан бўлиб ўтган учрашув партиямиз олдидаги долзарб масалаларга бағишланди.

Биринчи котиб партиямиз ташкилотларининг ХДП Раиси, республикамиз Президенти ўзининг кейинги нутқ ва фармонларида олға сурган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш қоидалари ҳамда Марказий Кенгаш X пленуми қарорларидан келиб чиқувчи вазифаларига, Миллий истиқлол мафкураси негизида мафкуравий ишларни янги поғонага кўтариш, сайловолди ишларни йўлга қўйиш масалаларига муфассал тўхталди. У раҳбар кадрларни тарбиялаш ва масъул лавозимларга тавсия этишга фаолларнинг эътиборини жалб этиб, шу соҳадаги нуқсонларни тугатиш, раҳбар ходимларга ҳар томонлама кўмаклашиш билан бирга уларнинг фаолиятига холис, тўғри, қатъий баҳо бериш ташкилотларимизнинг муҳим вазифаси эканлигини уқтирди. Халқ манфаатлари йўлида ёниб яшаётган раҳбарларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг нуқсон ва камчиликларини ўз вақтида кўрсатиш бизнинг бурчимиздир.

М. Расулов айрим партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотларнинг фаолиятидаги камчиликларни таҳлил қилди, партиявий ишларга доир ва бошқа масалалар юзасидан тушган саволларга батафсил жавоб қайтарди, тегишли тавсиялар берди.

Унинг Фарғонада бўлиб ўтган учрашув ва суҳбатларида вилоят партия кенгаши биринчи котиби А. Мирсалимов қатнашди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

1994 ЙИЛ—ОИЛА ЙИЛИ

АЁЛНИ АСРАСАК, ОЛАМНИ АСРАЙМИЗ

Ҳа, аёл бор ерда олам кулади. Бугунги кунда Пешку туманида 36544 нафар хотин-қиз истиқомат қилади. Шундан 15114 нафари ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатаётир. Хотин-қизлар 14 та жамоа хўжалиги, беш та ташкилот, 21 та мактабда ўз кенгашларини тузиб олишган.

Туман хотин-қизлар кенгаши аёллар ўртасида кенг миқёсли тарбиявий тадбирлар ўтказаётгани, уларни ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлашга кўмаклашаётгани туфайли армонларга ўрин қолмаётир. Биргина ўтган йил ишсиз юрган 335 хотин-қизнинг аксарияти иш билан таъминланди ,касбга ўргатилди, нафақа тайинланди. Бир неча кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Бугунги кунда «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси Райҳон Қўзиева, туман марказида яшовчи Тожи Тоғаева, Ҳабиба Тоғаева сингари кўплаб оналар, қиз-жувонлар кенгаш фаолиятидан хурсандликларини яширмайдилар.

«Оила паспорти» деб номланган тадбир орқали туман хотин-қизларининг турмуш тарзи ўрганиб чиқилди. Намунали уй бекаси танлови ўтказилди. «Дилдаги гап»лар гурунги эса кенг оммалашиб бораётгани мақтовга лойиқдир.

Бугунги кунда туманда эркаклар билан бирга аёллар ҳам тадбиркорликни ихтиёр этмоқдалар. Шу кечакундузда туманда ўндан зиёд аёл ишбилармонлик билан шуғулланмоқда. «Дўстлик» жамоа хўжалигидан Гулчеҳра Султонова, Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Қамбар Очилова, «Туркистон» жамоа хўжалигидан Комила Жўраева, «Маданият» жамоа хўжалигидан Жумагул Турсуновалар фермер хўжаликларини ташкил этиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшаётирлар. И. Эргашев номли жамоа хўжалиги сигир соғувчилари Собира Қозоқова, Муаззам Ҳамроева, Авера Тўхтаевалар эришаётган муваффақият чакки эмас.

Ҳаётда кўп воқеаларга, турли тақдирдаги кишиларга дуч келади. Мансаб ва амал курсисига ўтирган, хизмат машинасида эртаю кеч юрадиган аёллар, жувонлар, эрта қариган, чимилдиқ кўрмай ўтаётгган қизлар... Уларни Шўро замони шу кўйга солди ,оиладан йироқлаштирди. Оналик бахтидан бутунлай маҳрум қилди. Улар ҳозир ҳам амалнинг бу азияти, азобини тортаётирлар.

Қизбиби опа таъкидлаганидек, замон ўзгарди, давр хотин-қизларимизни оилага қайтаришни қилмоқда. Энди нозиктаъб аёлларимиз гарданидаги юклар олиниши даркор. Зеро, ҳар бир аёл ўғлига меҳрибон, қизига сирдош, эрига вафодор, келинига мураббий онадир. Уларни асрашимиз оламни асраш билан баробардир.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Маънавият ва иқтисодиёт*

Ҳаким НАЗИР,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ИНСОФ

Чорраҳада бир дўстим билан кўришиб қолдим. Кўзи тўрт бўлиб автобус пойлаётган экан. Саломаликдан кейиноқ, хотини бетоб бўлиб касалхонада ётгани, унга дори олиб кетаётганини билдирди. Бу жуда зарур укол дориси экан.

— Уни қаердан топдинг?— деб сўраган эдим.

— Бозордан,— деди у парвосизлик билан.

— Нима, аптекаларда йўқ эканми?

— Икки кун незиб тополмадимда,— деди беҳуда кетган вақтларига ачиниб.— Бозорга борсанг, қўлда истаган дори топиларкан.

— Ростдан-а? Нархи-чи, нархи?

— Нархини айтиб, сени чўчитмай қўя қолай. Бозорчилар бизни сийлаб ўтирармиди!— деди мийиғида кулиб.

Унинг жавобидан ортиқча сарфлаган пулига ачинишмас, хотининг дардига даво бўладиган зарур дори топилганидан қониқиш оҳанги сезилиб турарди. Мен унга, қўлдан олинган дорининг сифатини мутахассисларга албатта текширтириб кўриш кераклигини тайинларканман, сўзимни чалаярим эшитди. Автобусни кутишга тоқати етмасдан, йўловчи машиналардан бирини тўхтатиб жўнаб кетди.

Дўстимнинг хотинига шифо тилаб қоларканман, дилимдан шу мулоҳазалар кечди: «Бу дўстимку қўлидан иш келадиган, топиштутиши тузук одам. Иссиқ жон иситмасиз бўлмас дегандай, баъзи бир қўли қисқа қарияларми ёки ногиронларми дори-дармонга эҳтиёж сезиб қолса-чи? Ортиқча пулни қаердан топадию, дори сотадиган бозорларга қандай етиб боради?»

Ўйлаб кўрайлик-чи, азизлар, инсон саломатлигини асраш воситаси бўлган нарса билан олиб сотарлик қилиш ёки аниқроғи одамнинг жони билан ўйнашув ҳисобига пул—мол орттириш қайси инсофга тўғри келади?

Назаримда болаликдан қулоғимизга ўрганиш бўлиб қолган шу оддий бир сўз — **Инсоф** ҳақида баралла гапириш зарурати туғилган кўринади. Шунинг учун ҳамки, ҳозир мамлакатимиз тамомила янги бир йўлдан—мустақиллик қўрғонини тўла забт этмоқ учун дадил қадам ташлаб бораётган, буюк келажак сари масофани иложи борича қисқартишга бор куч-қувватни сафарбар этаётган долзарб палла! Бу палланинг моҳиятига теранроқ кириб борадиган бўлсак, буни инқилобга қиёс қилғулик — инқилоб бўлгандаям қонсиз ва қирғин-баротсиз, тинч инқилоб! Жамиятни буткул янги қиёфага киритувчи шу қийин, лекин оламшумул тарихий вазифани рўёбга чиқаришга халқимиз қодир эканлиги бор бўйи билан кўринянти, каттаю, кичик бутун фуқаромиз бир тан—бир жон бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб саъй-ҳаракат этаётгани ҳар жабҳада намоён бўляпти. Ўзбекнинг истиқлол карвони оғир йўлнинг хавф-хатарликлари, пасти-баландликларини енга-енга поёнсиз кенглик, эркинликларга чиқиб бораркан, бутун олам — дўст ҳам, душман ҳам кўриб тан берянти бунга! Гўё олтин қафасдан қутилган булбул каби халқимиз истиқлол соф ҳавосидан тўйиб нафас олабошлаган, ота-боболаримиз асрлар бўйи орзу қилган чин ҳуррият байроғини кўкка кўтариш насиб этган ва ниҳоят миллий ғуруримизни, ўз қиёфамизни тиклашга шароит туғилган экан, бу илоҳий неъмат учун тангрига минг қатла шукроналар айтсак арзийди! Дарҳақиқат, меҳнат аҳлининг аксарияти ҳаётимизда рўй бераётган ажойиб ўзгаришларни кун сайин чуқурроқ англамоқда, янги жамият чақириқларига «лаббай» деб жавоб бермоқда, ислоҳот талабларини ўринлатиб бажо келтиришга шайланган ҳолда умумхалқ ишига қўлидан келган ҳиссасини қўшмоқда. Шу билан бирга, афсуслар бўлсинки, жамият ишларига лоқайдлик билан қарайдиган, борига қаноат қилмовчи ношукур бандалар, ўз нафсларини устун қўйиб, бурни остидан нарини кўрмайдиганлар ҳам бор. Улар ножоиз хатти-ҳаракатлари билан хайрли ишларнинг қут-баракасини учириб, чиришни бузиб, дилларга ғашлик соладилар. Очиғини айтсам дилимни ўртаб юрган фикрларнинг тилимга чиқишига ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Кенгаш XV сессиясидаги нутқи омил бўлди. Президентимиз ўзига хос дангалчилик билан давлат ва халқ манфаатларига зид ҳаракатлар қилаётган харомхўрлар авра-астарини ағдариб ташлади: «Порахўрлик, қонунни четлаб ўтиб чайқовчилик қилиш, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обрўсизлантиради, аҳолининг қарғишига дучор этади».

Жуда очиқ, ҳаққоний, ўз вақтида айтилган сўз!

Бу билан Президентимиз бозор муносабатларида тўғрилик, софдилликни сақлаш, ҳар хил ўғри ва муттаҳамларнинг пайини қирқишга ундаяпти. Чинданам халқнинг фаровонлигини юзага келтиришга хизмат этиши лозим бўлган савдо-сотиқ ишларидан нуқул бойлик орттириш учун фойдаланиб, тижоратнинг бурдини кеткизаётганлар урчиб бораётгани сир эмас. Яқинда мен бозорга бориб, бир воқеа устидан чиқдим. Мункиллаган қариялардан бири (бозорга яқин орада биринчи келиши бўлса керак) помидорнинг баҳосини сўраганди:

— Ўн беш минг, — деди сотувчи йигит.

— Пудими, килосими, болам?

— Ҳазилни қўйинг, отахон,— деди йигит қарияга масхараомиз боқиб.

— Савдогарга ҳам инсоф керак-да, болам, — деганиди қария, йигит:

— Мен савдогармас, деҳқонман, — деди безрайиб. Савлатидан от ҳуркадиган, ўсиқ сочлари жингалак, ҳозирги кун модасидаги олабайроқ курткали йигитни ҳеч деҳқонга ўхшатадиган жойи йўқ эди!

Мени ҳайрон қолдирган нарса — йигитнинг «савдогар» номидан чўчигани бўлди. Ахир савдогарлик айбмас-ку. Агар савдогар ўз касбини яхши эгалласа, чет жойлардан мол келтириб бозорни сероб этса, нархларни ҳам меъёрида белгиласа, бунинг савобига нима етсин. Кўпларда ана шу нарса йўқ, яъни маданият, инсоф етишмаяпти-да. Аксинча дўкондаги харидоргир молларни улгуржи сотиб олиб, шу яқин ерга обориб икки-уч баравар ортиғига пуллашаяпти. Куппа-кундуз куни харидорнинг ҳамёнига қўл тиқишнинг ўзи эмасми бу! Аммо сиз ўша чайқовчидан: «Нима иш қилаяпсан?» деб сўрасангиз, у: «Халқнинг пулини шилиб бойлик орттиряпман» демайди, балки: «Халққа савдо хизмати кўрсатяпман» деб гердаяди. Андиша, уят деган ўзбекона одатларнинг кўчасига кирганми бу зот? Беш қўлини баравар оғзига уриб, эл ризқини қийиш инсоф-имонли одамнинг иши эмаслигини ҳаёлига келтирармикин? Уларга дегингиз келади: кишилар нафратига учраш, эл қарғишига йўлиқишдан қўрқинг!

Ҳукуматимиз бозор иқтисодиётининг кўп чиғириқли вазиятидан тезроқ қутилиш учун, ўтиш даврининг оғриқларини меҳнаткашлар камроқ сезсинлар, осонроқ кечирсинлар деб авайлаган ҳолда катта эҳтиёт чораларини кўрмоқда: Иш ҳақларини, нафақаларни, стипендияларни ошириш, энг зарур тирикчилик неъматлари нарх-навосини мўътадил сақлаб туриш, ночор табақа вакилларига, кўп болаликларга тўрли жамғармалар орқали имкон қадар ёрдам кўрсатиб туриш ва ҳоказолар. Ана шу ёрдам чоралари кишиларга тузукроқ наф етказсин, тирикчилик ташвишларини бир қадар енгиллатсин, шунингдек, катта қувонч билан кутиб олинган янги пулимизнинг қадри-қиммати сақлансин десак, бозордаги қонунбузарларнинг танобини тортиб қўйиш керак деб ўйлайман. Бу ҳақда юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасидаги куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда нақадар қуйиб-пишиб гапирганлари бежиз эмас.

Меҳнат элининг ҳақига хиёнат қилиб, ризқ-рўзини қийиш қанчалик гуноҳи азим экани хусусида улуғларимизнинг панд-насиҳатларини унутмайлик. Бобокалонимиз Алишер Навоий хиёнатчи олибсотарларнинг ўз фойдасини кўзлаб элга қаҳатчилик тилаши, арзон олиб, қиммат сотиш орқали элга зиён етказишини қаҳр билан қоралайди. «У (яъни олиб сотар — Ҳ. Н.) оларда шойини бўз деб камситади, сотарда эса бўзни шойи дея вайсайди. Дўконида инсофдан бўлак ҳамма мато мавжуд, ўз айбига иқрорликдан бўлак ноинсофликнинг барча тури кўплаб топилади...».

Инсоф — дин соф, дейишади. Инсофсизлик — бу имоннинг сустлиги, эътиқоднинг ноймол бўлганини кўрсатади.

Борига шукр қилмасдан пулга, нафсга қул бўлиш — кўра била туриб маънавият илдизларига болта уриш билан баробар. «Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади, термултириб халойиққа зор айлади» деб бекорга нолимаганлар Аҳмад Яссавий ҳазратлари. Яна пайғамбаримиз Ҳадиси шарифларида ўқиймиз: «Банданинг молу дунёга қўйган хирси икки оч бўрининг қўй подасига қилган тажовузидан кўра зararлироқдир. Зеро, бу билан у ўз дини —имонига путур етказади». Имони хиралашиб, виждони сўқир бўлиб қолган одам эса ўз-ўзидан савоб билан гуноҳнинг, яхшилик билан ёмонликнинг фарқига етолмайдиган бўлиб қолиши аниқ!

Бундай маънавий инқироз сўзсиз ахлоқий тақчилликка судрайдики, бу биринчи галда ёш авлодимиз таълим-тарбиясига зарба етказмай қолмайди. Яқинда мен Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабда Комолон маҳалла аҳолиси иштироки билан ўтган катта ота-оналар мажлисида қатнашдим. Шунда мактаб директори Мирҳамид Мираҳмедов таълим соҳасида амалга оширилаётган муҳим ислоҳотлар, янгиликлар қаторида баъзи жиддий камчиликлар ҳам юз бериб турганини куйиниб гапирди. Бошқалар ҳам унинг фикрини тасдиқлашди. Масалан, юқори синфларда интизом бўшашиб, ўқувчиларнинг бир қисми дарсга хоҳласа келиб, хоҳласа келмас экан, тижорат номи билан олди-сотдига айланишиб юришаркан. Қизиғи шундаки, буларнинг аксариси оиладаги муҳтожликдан эмас, балки чайқовчиларга таҳассуб қилиб, зеб-зийнат, ясантусанга берилиш орқали шу кўйга киришган. Пул васвасасига тушган болалар орасида саёқлик, гиёҳвандлик каби ҳунук ҳаракатлар ҳам учраб, аҳолининг осойишталигини бузаётгани ёмон. Йиғинда оналардан бири «Болалар тижоратчиликка ўрганса ёмонми?» деган савол берганди. Бошқа бирови «Тижоратда тижорат бор-да, Ўз кучини, ҳунарини ишга солиб етиштирган нарсасини бозорга чиқариб сотса бунинг нимаси ёмон» деб жавоб қилди. Мунозарага аралашган ҳурматли оқсоқоллардан бири қуйиб-пишиб деди:

— Азиз отажон, онажонлар, ҳамма ишдаям инсоф-диёнат бўлсин экан. Қинғир йўл билан бойликка ружу қўйиш ҳеч замондаям яхши оқибатга олиб борганмас. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар. Фарзандларингизни ноўрин ҳою-ҳаваслардан сақлаб қолинглар. Пул деб энг қимматли маънавий бойликни қўлдан беришмасин. Ахир илм, ҳунардан ортиқ бойлик борми дунёда! Ёшлик куч-ғайратини маърифат орттиришга йўналтириб қолинглари, кўра била туриб ғанимат фурсатларни қўлдан бой беришмасин. Кейинги пушмон-ўзингга душман, деган халқ ўгитини ёддан чиқарманглар, барака топкурлар!..

Жиддий огоҳлантириш!

Матбуотда, телевизорда баъзи ўсмирлар жиноятчилик кўчасига кириб кетганлари ҳақида кўнгилсиз гаплар айтилиб турибди. Буларнинг бош сабаблари, очиғини айтганда, оилага бориб тақалади. Ҳа, мактаб ва муаллимнинг ролларини асло камситмаган ҳолда, бола тарбиясининг бош мутасаддилари — илк устозлари оталар ва оналар эканини яна бир бор эътироф этмай ўтолмаймиз. Ҳамма нарса ўй ҳаётидан бошланади. Ота билан онанинг ўзаро муносабатлари, муомалалари, хатти-ҳаракатлари, рўзғор юритишлари, — ҳамма, ҳаммаси бола кўз ўнгида ўтади, унинг мурғак ва лекин зийрак онги — зеҳнига юқади, руҳиятию хулқ атворида из қолдиради. Ҳа, оила муҳити, ота ва она ибрати — дастлабки сабоқларки, бу сабоқларнинг яхшисиям, ёмониям бола характерининг шаклланишида асосий омил бўлиб хизмат этади. Қуш уясида кўрганини қилади, дейишларимиз шундандир. Бола агар саёқлик, безорилик йўлига кираркан, бунинг келиб чиқиш сабабини отанонанинг хулқиданми, лоқайдлигиданми излаш керак. Мабодо ота ё она йўл қўйиб бермаса, наҳотки бола ўқишини ташлаб, алдам-қалдам ишларга қўл уради. Бу билан мен барча ота-оналарга тил тегизишдан холиман. Ўз жигарбандларининг билим ва касбларни эгаллашларига айрича эътибор бериб, уларнинг тақдирига астойдил қайғурувчи, уларни Ватан равнақи йўлида хизмат этишга қодир кишилар қилиб етиштириш учун жон қуйдирувчи фидокор инсонлар кўп. Яқинда Президентимиз муборак қўлларидан мамлакатимизнинг биринчи олий нишони «Соғлом авлод учун» орденини олиш шарафига эришган бир гуруҳ кишилар ҳақиқий фидокор инсонлардан бўлиб, ҳар қанча эъзозга лойиқдирлар.

XV сессиядаги машҳур нутқида Ислом Каримов ёш авлод тарбиясига ҳам алоҳида тўхталгани айни муддао бўлди. У, бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга эътиборини йўлдаги асосий таянчимиз — юксак малакали ва юксак маънавиятли инсон эканлигини таъкидлади. «Шу сабабли, — деди у, — мен барча ватандошларимизга мурожаат қилиб айтаман: бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!».

Албатта, маданияти ва маънавияти етук авлодни камол топтиришда санъат ва адабиётнинг роли қанчалик катталигини айтмай ўтолмаймиз. Айниқса, китобнинг ўрни беқиёсдир. Бизни ўйлантирадиган камчиликлардан бири ҳам ёшлар ўртасида китобхонликнинг пасайиб кетганлиги десак бўлади. Бунга сабаблар кўпдир, шулардан бири балки қоғоз тақчиллиги боис оригинал китоблар чоп этишнинг камайиб кетгани, балки мавжуд адабиётни ҳам тарғиб этиш сусайиб қолганлигидир. Мен катта кўча ёқаларида, метро йўлакларида қаторлашган китоб расталарига кўз ташлайман. Кўзимга дастлаб ташланадиган китоблар мана шулар: «Ловушка мертвеца», «Честный вор», «Меч и сума», «Дневник сатаны», «Тарзан», «Похититель душ», «Встреча со смертью» ва ҳоказо ва ҳоказо. Муқовалари оҳанжамали расмларга бой, тиражлари ҳамин қадар.

Кези келганда айтишим керак: ёзувчиларимиз истиқлол сари бошланган умумхалқ ишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш ниятида астойдил саъй-ҳаракат кўрсатиб, янги асарлар яратмоқдалар. Аммо шундай савол туғилади: бу янги асарлар ўз ўқувчиларига қачон етиб боради?

Агар Ёзувчилар уюшмаси билан тегишли мутасадди ташкилотлар валломатлик билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, китоб нашри бобидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш чорасини кўрсалар, Президентимизнинг маънавият ва маданиятни кўтариш ҳақидаги чақириқларига муносиб жавоб берган бўлардилар!

• *ХДП: бошланғич ташкилотларда*

МАҲАЛЛАДА—ФАРМОН МУҲОКАМАСИ

Урганч шаҳрида 31 та маҳалла қўмитаси бўлиб, уларда 130 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Барча маҳаллада ҳудудий партия ташкилоти тузилган.

Ўзбекистонда миллий валютанинг муомалага чиқарилиши ҳақидаги Президент Фармони республикамизнинг барча ҳалқи қатори шаҳар меҳнаткашлари томонидан ҳам қувонч билан кутиб олинди.

Маҳаллалар танловида республикада нуфузли ўринлардан бирини эгаллашга муяссар бўлган шаҳардаги А. Абдураҳмонов раислик қилаётган К. Отаниёзов номли маҳаллада ўтказилган ХДП ҳудудий ташкилотининг очиқ партия йиғилиши ҳеч муболағасиз катта тантанага айланди. Зеро, унда долзарб масалалар — республика Президенти, ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XV сессиясида сўзлаган нутқи ҳамда ҳудудий партия ташкилотларининг миллий валютамизнинг муомалага киритилиши муносабати билан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди.

Миллий валютамизнинг муомалага киритилиши ҳақидаги ушбу Фармон бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолининг оғирини енгиллатишга қаратилган муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди, уни қўллаб-қувватлаш ва бажарилишини таъминлашда ҳар бир партия аъзосининг ҳар бир фуқаронинг вазифаси ҳамда ўрни белгилаб олинди.

Маҳалла ҳудудий партия ташкилоти йиғилишида Хоразм вилояти партия кенгаши биринчи котиби Ғ. Машарипов сўзга чиқди. У шаҳарнинг турли ташкилотларида фаолият кўрсатиб келаётган, ХДП аъзолигига маҳалла йиғилишларида қабул қилинган 22 нафар кишига партия билетларини топширди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СУРАТДА: Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номли маҳалла қўмитаси раиси Аминбой Абдураҳмонов маҳалла фаоллари билан мулоқотда.

Қ. ОТАЕВ олган сурат.

КЎРИК ҒОЛИБИГА ГИЛАМ

● ОЛМАЛИҚ шаҳар «Саломатлик», хўжалик ҳисобидаги «Асл» ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ҳамда шаҳар ҳудудий тиббиёт бирлашмалари томонидан «Соғлом авлод учун» шиори остида ўтказилган «Ҳамшира-94» кўрик-танлови сўнгги босқичи ниҳоясига етди.

Кўрик-танловда қатнашган 32 нафар ҳамшира тиббиётимиз тарихи, бебаҳо мерос ва буюк аждодларимиз ҳақидаги билимларини синаб кўрди. Сўнгги босқичда иштирок этган 7 нафар ҳамшира эса ғолибликка даъвогарлик қилди. Улардан шаҳар тиббиёт билим юрти талабаси М. Маматқулова билимдонлигини амалда кўрсатгани учун танлов ғолибаси деб топилди ва гилам билан тақдирланди. Мазкур билим юрти талабаларидан Ў. Бойзоқова ва И. Сайдалиевалар кейинги ўринларга лойиқ кўрилиб, қимматбаҳо совғалар билан мукофотландилар.

К. ПУЛАТОВ,
партия ташкилотчиси.

УЙҒОНАЁТГАН КЎНГИЛЛАР

Бугуннинг одамлари. Уларни шундай десак хато бўлмас. Чунки улар озод Ўзбекистоннинг ўтмиши ва эртасини ўйлаб, қайғуриб яшаяптилар. Айниқса, олис мозийдан келаётган садоларни тинглаб, руҳларини поклаётирлар.

Сурхондарёда савобли бир машварат ўтди. Ислом дунёсининг энг муборак зотларидан бири бўлмиш Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг халфаси ва қуёви Хожа Оловуддин Аттор ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференция ўтказилди.

Анжуман иштирокчилари Хожа Аттор қабрини зиёрат қилдилар.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

АЛМАТИДАГИ САВДО УЙИ

Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини бинокорлик материаллари билан таъминлашни яхшилаш йўллари изланяпти. Бу борада тадбиркорлар ташаббус кўрсатишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси «Қурилиш материаллари» ва «Дўстлик» ҳиссадорлик жамиятлари тадбиркорлари майдонга чиқиб, қатор давлатлар билан шартномалар тузишга киришди.

Тан олиш керакки, қўшни давлатлар билан тузилган шартномалар бугунги кунда кенг амал қилмоқда. Аҳолини турли қурилиш материаллари билан таъминлашда мадад бўляпти. Бизга маълум қилишларича, аҳолини бинокорлик материаллари билан таъминлаш кейинги вақтда яхшиланиб бормоқда. Ҳиссадорлик жамияти бошқармаси бошлиғи Мақсуд Қўлбоев айтишича, корхона вакиллари бу ишда фаол қатнашгани туфайли зарур материаллар олиш юзасидан шартномалар тузиш қўлами кенгаймоқда. Ҳозир корхоналар ўртасида 45 та шартнома амал қиляпти. Яқинда Алматида Қорақалпоғистон савдо уйи очилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Луқма*

ҒИРРОМЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАНДА...

Саратон. Бу фаслда ўлкамизда, айниқса, Тошкентдек шаҳри азимда чанқовбосди ичимликларга катта эҳтиёж сезилмоқда. Сувсаган одам баъзида пулнинг бетига ҳам қараб ўтирмайди. Бундай пайтда чайқовчининг куни туғди, деяверинг. Ҳеч қандай заҳмат чекмай, қанчалаб одамларнинг пешона тери эвазига тайёрланган ичимликларни бирга олиб ўнга пуллайди.

Тўғри, ички ишлар, маъмурий органлар ва солиқ инспекциялари олиб борган махсус тадбир натижасида олибсотарлардан анчагинаси қўлга тушди. Уларнинг сотаётган моллари мусодара қилинди. Лекин ичимлик суви чайқовчилари йўқолдими?

Асло йўқ. Хоҳлаган пайтингизда бозорларда, одамлар гавжум ерларда бўлинг, уларни истаганча учратасиз. Демак, аҳволни ўнглаш, одамлар пешона тери билан топган пулларига бевосита дўконлардан чанқовбосди ичимликларни олишлари учун кампания ўтказиш билан эришиб бўлмайди. Бу ишга жиддий киришмоқ, эл ризқини қиёфатларга қарши муросасиз бўлмоқ керак, деб ўйлаймиз.

Юқоридаги чайқовчиларни дарров топса бўлади. Лекин шундайлари борки, ишбилармон ниқоби остида эл нонини хўп туя қилишмоқда. Қўлларида ҳужжатлари бор, Биров уларнинг мушугини пишт деёлмайди, деб ўйлашади. Давлат томонидан ишлаб чиқарилган молларга истаганча нарх қўйиб, сотишаверади. Ишонмайсизми? Марҳамат, улардан айримларини таништириб қўйишимиз мумкин.

Шифокорлар шаҳарчасида «Иноят» деб номланган 2-хусусий корхона бор. Бошлиғи Дилшод Анбаров. Тижорат моллари билан бир қаторда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган чанқовбосди ичимликлар билан савдо қилади. Лекин сотувчилар уларни белгиланган нархда пуллаш ўрнига истаганча устига қўйиб сотишаверади.

Масалан, «Кока-кола» ичимлигини дўконларда идишсиз 3200 сўм-купонга олишингиз мумкин. Бу ерда эса нақ 4000 сўм-купондан пуллашмоқда. Раҳбардан унинг нархини сўрагаримизда 3500 сўм деса, сотувчилардан Анвар Муҳамедов билан Феруза Наврўзовалар 4000 сўмдан ками йўқ, дейишади. Инсофсизлик ҳам эви биланда...

Тижорат, воситачи дўконлар ҳозир ҳамма ерда баҳордаги қўзиқоринидек кўпайиб кетган. Чет эл маҳсулотларини-ку қўя турайлик, Республикамизда ишлаб чиқарилганларининг ҳам нархи қимматлигидан одамнинг эси оғади. Давлат дўконларида туриши керак бўлган моллар уларнинг қўлига қандай тушиб қолмоқда. Буни текширадиганлар борми?

К. РИХСИЕВ.

• ТЕКИНХЎРГА ШАФҚАТ БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

БОЗОР КИМНИКИ, УНИНГ ЭГАСИ БОРМИ?

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Шарқ бозорларининг таровати ўзгача. Қишин-ёзин тўкин-сочинлик. Қаерга қараманг, сара неъматлар кўзни яшнатиб, дилни қувонтиради. Одам ўзини жаннатга кириб қолгандек ҳис қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бозорларининг таърифи довон ошган. Жонингиздан бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин.

Буни кунига раста оралаганлар яхши билади. Пулингиз бўлса қўни-қўнжингиз тўлиб уйга қайтасиз. Рўзғорингиз бут, дастурхонингиз тўкин, кайфиятингиз чоғ. Агар ҳамёнингиз қуруқроқ бўлса-чи? У ҳолда томошадан нарига ўтолмайсиз.



Қозоғистонга олиб кетилаётган ёғ ва совунлар.

Очиғини айтганда, ҳозир бозорга боришга унча-мунча одамнинг юраги дов бермайди. Чунки моллар ёқади, нархи эса чақади. Шунга қарамай деярли ҳамма бозорга боришга мажбур. Аксига олиб, давлат дўконлари бўм-бўш. Аҳоли ҳатто меъёрлаштирилган ҳолда бериладиган молларни ҳам ўз вақтида ололмаётир. Сотувчиларга учрашсангиз «базада йўқ», деб жавоб беришади.

Начора. Совун, ёғ, гўштсиз кунимиз ўтмайди. Зарур бўлгандан сўнг бозорга чопамиз. У ерда эса чайқовчилардан истаганча олишингиз мумкин. Фақат ҳамёнингиз кўтарса бас. Агар нархи қимматлик қилиб:— Давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган бу танқис озиқ-овқатлар нега олибсотарлар қўлига тушиб қолди, десангиз, совун ёки сарёғ сотаётган киши:— Ҳой ака, оғзингизга қараб гапиринг, биз чайқовчи эмас, ишбилармонмиз,— деб жавоб беради. Ортиқча сўз айтиб кўринг-чи балога қоласиз.

Юқорида айтганимиздек, биз давлат дўконлари орқали талонга олишимиз лозим бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорда жуда кўп. Ҳатто маҳаллий аҳоли у ёқда турсин қўшни мамлакатлар одамларига ҳам етади. Биз бунга 27—28 июнь кунлари «Эски



Солиғи тўланмай сотувга чиқарилган моллар.

жўва» деҳқон бозорида ва бошқа жойларда бўлганимизда яна бир карра амин бўлдик. Бозорга кираверишдаги йўлнинг ўнг томони бидон, канистр кўтарган одамлар билан тўла. Гала-говур биров сотган, биров олган. Ҳиёл нарироқда бидонга ёғ қуяётган аёлдан унинг нархини сўраймиз.

— Ўн етти минг сўм,— деб жавоб беради-да, тезгина идишини кўтариб машина ичига ўзини уради. Қозоғистондан келган давлат белгиси 97—82 ДЖМ бўлган автобусга унинг ортидан биз ҳам чиқдик. Не кўз билан кўрайликки, ўриндиқлар олди, ўртадаги ўтиш йўли ёғ солинган идишларга тўлиб кетган.

— Сотасизларми,— сўраймиз ичкарида ўтирганлардан.

— Эсинг борми, широғим, ўзимизда бўлса Тошкентга Қозоғистондан келармидик. Мой керак бўлса ана йўлнинг аржағига ўт, пулинг бўлса истаганча топасан.

Ана шунақа гаплар. Агар оилангиз учун белгиланган ёғни ололмаётган бўлсангиз пул чангаллаб бозорга келаверинг, хоҳлаганингизча бор.

Шу пайт автобусга терлаб-пишиб кетган йигитча бир қоп совунни кўтариб чиқиб қолди. Қаердан олдинг?— сўраймиз ундан.

— Қизиқ экансиз. нима бозор кўрмаганмисиз? Айлансангиз, нима керак бўлса топасиз.

Қаранг-а. Одамлар бир бурда совунга зор бўлиб турган ҳозирги пайтда кўпнинг ризқини қийиб, қоплаб совун сотадиган ноинсофлар шундан кейин ҳам «мен чайқовчи эмас, ишбилармонман», деб кўкрагига урса-я!

Бизнингча, ишбилармон деб дўкондан, омбордан ёки корхонадан ўмарилган молларни олиб, бирни ўнга пуллайдиганларни эмас, ҳалол тер тўкиб халқ учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарганларни айтсалар керак.

Бозор оралашда давом этамиз. Мана пештахта устида ҳозир дўконларда топилмайдиган болалар ва аёллар кўйлаклари, колготкалар, носки, пайпоқлар, оёқ кийим ва бошқа бир қанча нарсалар. Шайхонтоҳур туман солиқ инспекцияси ходимлари сотувчи онахондан ушбу молларни сотиш учун ҳужжатингиз борми, деб сўрашганда у:

— Албатта бор. Бўлмаса бозорга чиқармидик, ҳаммаси қонуний,— деб жавоб берди ўзини Гулзида Раҳматуллаева деб таништирган аёл. Ҳужжатда эса фақат чет эл товарлари билан савдо қилишга рухсат берилган экан. Ваҳоланки, сотаётган молларининг ҳаммаси республикамиздаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган...

Тўғри, ҳозир ҳам зиёрат, ҳам тижорат йўлини тутиб, ички бозорни тўлдираётганлар анчагина. Уларнинг отасига раҳмат. Пул, меҳнат сарфлаб югуриб-елиб чет эллардан, қўшни мамлакатлардан мол келтиришяпти. Уларнинг уддабуронлиги туфайли бозорларда турли сифатли кийим-кечаклар, матолар, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар тобора кўпайиб боряпти.

Аммо «Инсоф сари барака!» дейдилар. Шоли курмаксиз бўлмаганидек, уларнинг ичида ҳам кўпроқ ўз фойдасини ўйлайдиганлари топилади. Улар ҳалол савдо қилиш, даромаддан давлатга солиқ тўлаш ўрнига молини яширинча сотмоқдалар. Бундай қонунбузарларни туман солиқ инспекцияси ходимлари мунтазам аниқлаб боришмоқда.

Биргина 27 июнь куни тартиббузарларни фош этишда 85 нафар солиқ инспекцияси ходимлари қатнашдилар. 66 та далолатнома тузилди. Ноқонуний савдо қилаётганларга 10 миллион 200 минг сўмлик жарима солинди. 1 миллион 220 минг сўмлик моллар давлат дўконлари орқали аҳолига соттирилди.

Очиғини айтиш керак, «Эски жўва» деҳқон бозорида аҳолини турли ноз-неъматлар билан тўлароқ таъминлаш, уларнинг нархини ҳаддан ташқари кўтариб юборилмаслигига эришиш учун бирмунча ишлар қилиняпти. Бозор директори Шоюнус Мирюсуповнинг таъкидлашича, бу ерда аҳолига меъёрлаштирилган тартибда бериладиган моллар сотилмаслиги учун махсус комиссия тузилган. Комиссия туман солиқ инспекцияси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида июнь ойининг ўзида ёғ, совун, сариёғ ҳамда республикамизнинг давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан чайқовчилик қилган 120 га яқин киши ушланиб, жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари бозорда деҳқонлардан арзон нархда мол олиб, қиммат сотадиганларнинг пайини қирқиш мақсадида савдо-харид қилиш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Корхона жамоа ва давлат хўжаликлари билан мол сотиб олиш ҳақида шартнома тузган. Ходимлар махсус транспортлар билан қишлоқ жойларга чиқиб хўжаликдан ва аҳолидан маҳсулотлар келтириб ярмаркалар ташкил этишяпти.

Шайхонтоҳур туман солиқ инспекцияси ходимларининг иши қайнаган.

Шунингдек, бозорга келган деҳқонлар мева ва сабзавотларни шу ерда очилган қабул пунктига топширишлари мумкин. Маҳсулотни келишилган нархда топириб пулини нақд оладилар. Биз бозорда очилган махсус ярмаркада бўлганимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифати бозордагидан қолишмаслигини кўрдик. Бунинг устига баҳоси 15—20 фоиз арзон.

Кейинги пайтда бу ерда олибсотарлар, айниқса чанқовбосди ичимликлар билан савдо қилувчилар кескин камайди. Бироқ «Олой» бозорида хануз уларнинг пайи қирқилмаган. Биз бу ерда 27 июнь куни бўлганимизда 4 яшчик турли хил чанқовбосди ичимликлар билан бир йигитчани ушлаб келтиришди. Лекин ундан ичимликларни кимдан олганлигини билиб бўлмади. Айтмасдан туриб олди...

Маълумотларга қараганда, шу ойнинг ўзида бу ерда турли ҳажмдаги 736 шиша ичимлик чайқовчилардан олиб, давлат савдо тармоқларига топширилган. Лекин шунга қарамай ичимлик сотувчилар камаймаётир. Биттаси қўлга тушса ўрнига бошқаси пайдо бўлмоқда. Бизнингча, милиция ходимлари бу иш билан жиддий шуғулланишмаяпти. Агар расмана ишлашса, албатта чайқовчиларнинг бошлиқлари, халқ ризқини қийиб уларни маҳсулот билан мунтазам таъминлаб турганларни топиш мумкин. Кунига иккиучта болани ушлаб жарима солган билан кошки мақсадга эришилса...

Шу ўринда бизни бир нарса ташвишга солади. Олибсотарлик билан шуғулланаётганларнинг аксарияти ёшлар. Ҳозир билим олиб, малакали мутахассис сифатида Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда асосий рол ўйнайдиганлар қийналмасдан мўмай даромад топиш йўлига ўтиб олишяпти. Бунақада эртага билимли, ғайратли, малакали мутахассисларга зор бўлиб қолмаймизми?

Масалан, «Олой» бозоридаги буғдой, арпа, маккажўхори, емни асосан ўсмирлар сотишмоқда. Мутасадди ўртоқлар эса уларни кўриб кўрмаганга олишмоқда. 27 июнь куни дастлаб дон бозорига кирдик. Ёнимизда бозор маъмуриятидан ҳам, туман солиқ инспекциясидан ҳам одам йўқ эди. Фақат Давлат солиқ қўмитаси вакиллари бор. Уйиб қўйилган буғдойни сотаётган йигитчадан:

— Нархи қанча,— деб сўраймиз.

—Икки минг сўм,— деб жавоб берди у.

Яна бир айланиб бозор раҳбарлари ва туман солиқ инспекцияси ходимлари билан келиб буғдой нархини сўраганимизда улар дарров нархини паст айтишди. Бу ҳам майли-я, ёнларида ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ.

Сал нарида маккажўхори сотаётган ўспирин олдига келганимизда қизиқ воқеа рўй берди.

— Маккажўхорининг килоси қанча?

— Минг сўм.

— Ҳой, қанақа тулкисанлар ўзи, деб қолди шу ерда турган бир аёл.— Ҳозиргина менга икки ярим минг сўм деб айтган эдинг-ку?

Биз аёлдан кимлигини сўраганимизда ўзини Маҳмуда Хўжаева, деб таништириб, Чилонзор туманидаги Шамсиддин Исломов 5-тор кўчасидаги 24-уйда истиқомат қилишини айтди. Маккажўхорининг эгаси Виталий Горбунов эса Тошкентдаги Ҳусниддин Асомов кўчасидаги 55-уйда яшаркан.

Во ажабо! Нега олибсотарлар харидорларга бир нархни айтиб, бозор раҳбарлари ва назоратчиларга бошқа нархни айтади. Ёки бир гап бормикин?

Ҳозир кўпчилик тадбиркорлар, ишбилармонлар халқ учун зарур бўлган турли моллар, буюмларни моҳирлик билан ясашяпти. Уларнинг айримлари ҳатто давлат корхоналариникидан ҳам сифатлироқ. Бироқ бирор киши беморлар дардига малҳам бўладиган дори-дармонлар тайёрлаганича йўқ. Чунки дори тайёрлаш мураккаб жараён. Уни оддий йўл билан тайёрлаб бўлмайди.

Олибсотарларда мана шундай ноёб дори-дармонлар сероб.

Мана бу чанқовбосди ичимликлар давлат дўконларида сотилиш ўрнига олибсотарлар қўлига қандай ўтиб қолди экан?

Шунга қарамай, «Олой» бозорида дорихоналардан топилмайдиган ноёб дори-дармонлар хоҳлаганингизча бор. Уни тайёрлаш, сақлаш сотишдан бутунлай бехабар кимсалар турли ташқи таъсирларга ўта сезгир, тез айнайдиган дориларни қирқ даража қуёш тиғида чанг-чунгга беланган ҳолда пуллашмоқда.

Бу ишнинг бошлангани янгилик эмас. Дорилар билан чайқовчилик қилиш анча вақтдан бери давом этяпти. Аммо одамларнинг бор буди-шудидан айириш билан беморларнинг дардига малҳам бериш ўрнига уларни чох сари итараётганлар фаолиятига Соғлиқни сақлаш вазирлигидаги мутасадди ўртоқлар ҳамон томошабин бўлиб туришибди.

Икки кунлик рейдимиз давомида кўрган-кечирганларимиз аҳвол бирмунча яхшиланиш томонга бурилганини кўрсатсада, аммо хизмат кўрсатиш ва аҳолини ноз-неъматлар билан бир маромда таъминлаш мутлақо ачинарли ҳолдалигига гувоҳ бўлдик. Нима учун саратон жазирамаси кунларида давлат озиқ-овқат савдоси дўконларида «Тошкент суви» ва бошқа чанқовбосди ичимликлар, ҳўл мевалар ва сабзавотлар мутлақо кўринмайди? Сабзавот дўконларидаги савдо хизмати талабга бутунлай жавоб бермайди. Уларга қўйилган маҳсулотлар сифати паст, сўлиган, буришган, нархи бозордагидан паст бўлиш ўрнига анча юқори. Давлат озиқ-овқат савдоси ташкилотлари ва уларнинг дўконлари аҳолини пишиқчилик маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлашда ҳеч қандай ташаббус кўрсатмаётирлар.

Давлат корхоналарида ишлаб чиқарилган чанқовбосди яхна ичимликлар тайини йўқ шахсларнинг қўлига ўтиб кетяпти. Наҳотки уларни текшириб, тагига етиб бўлмаса?! Нима учун корхоналар ўзининг фирма дўконларини бозорларда ва аҳоли гавжум жойларда очиб қўймайдилар?..

Пишиқчилик пайтида давлат озиқ-овқат савдоси ва дўконлари, шаҳардаги бозорларнинг маъмуриятлари «дала-пештахта» усулида ишлаш учун қачон ташаббус кўрсатади. Улар ўз фаолиятини қайта қурадиган пайт етиб келмадимикан?

Хуллас, мана шунақа ишлар. Бозорларимиз тўкин-сочин. Истаган нарсангизни топиш мумкин. Бироқ уларнинг бир қисмини ишлаб чиқарувчилар эмас, бели оғримаганлар осмон баробар нархда пуллашаяпти. Бу ўз навбатида халқнинг ўринли эътирозига сабаб бўлмоқда. «Ноинсофга эрк берсанг, элни талар» дейдилар. Бундан буён уларда эркинлик бўлмаслиги керак, токи йўлларида ишончли тўсиқ борлигини ҳис қилишсин. Олибсотарлик билан эмас, бунёдкорлик билан шуғулланишсин. Ана шунда куни кеча дунё юзини кўрган миллий валютамизнинг қадри ортиб, бозорларда нарх-наво тушади. Элимиз бойиб, юртимизда тўкинчилик, маъмурчилик қарор топади.

Ўзбекистон саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб фойда кўраётган Гулзида Раҳматуллаева бу гал солиқ инспекцияси томонидан қўлга тушди.

Владимир Молгачев олган суратлар.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Каримжон РИХСИЕВ,
Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.
Иноят ҚИПЧОҚОВ,
Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг фуқароларни солиққа тортиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КУЗГУ

ХИТОЙНИНГ ЭКСПОРТ ИМКОНИЯТЛАРИ

● 8 йилдан буён Хитой Халқ Республикаси экспортининг асосий қисмини тайёр кийимлар ва тўқимачилик маҳсулотлари ташкил этиб келмоқда.

Ўтган йили Хитой жаҳон бозорига 27,1 миллиард, шу йилнинг беш ойи давомида эса 10 миллиард долларлик ана шундай маҳсулотлар етказиб берган. 2000 йилгача мамлакат тўқимачилик саноати моллари экспортини 55 миллиард долларга етказиш мўлжалланмоқда.

«ХОНДА»ГА БУЮРТМА КЎПАЙМОҚДА

● Япония автомобиль экспорти май ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,9 фоизга камайган.

Айниқса жаҳонга донғи кетган «Мицубиси», «Мазда» ва «Ниссан» фирмаларининг хорижга енгил машиналар етказиб бериши сезиларли даражада қисқарган. «Хонда» фирмасининг экспорти эса 8,4 фоизга ўсган. Шунингдек, мазкур фирмага тушган буюртмалар сони ҳам қарийб 10 фоизга ошган.

МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛАРМИКИН?

● Тайланд мамлакати шаҳар кўчаларидаги транспорт ҳаракати тирқизлиги туфайли йилига 3 миллиард доллар зарар кўрмоқда.

Кўчаларда автомобилларнинг тирбандлиги ишчиларнинг вақтини ўғирламоқда, корхоналарнинг маҳсулотлари ўз вақтида ташиб келинмаяпти ва тонналаб ёқилғи беҳуда сарф бўлмоқда. Ҳукумат муаммони бартараф этиш чораларини излаётир.

ШИФОКОРЛАР ЖИДДИЙ ТАШВИШДА

● Касалликка чалинган донорларнинг кўпайиб бораётгани Ҳиндистон шифокорларини жиддий ташвишга солмоқда.

Донорлар ўтган йили топширган ҳар минг доза қоннинг учтасида СПИД касалини келтириб чиқарувчи вируслар борлиги аниқланган.

СЕРТУТУН АВТОМОБИЛЛАР

● Сингапур ҳукумати сертутун ва сершовқин автомобилларга қарши кураш бошлади. Мамлакат автомобиль назорати, полиция ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ходимлари шаҳар кўчаларини тутунга тўлдираётган автомобилларни тутиш билан шуғулланмоқда.

Ана шундай машина ҳайдовчиси биринчи марта 50 доллардан то минг долларгача жарима тўлайди, мабодо у яна қўлга тушса, „албатта жиноий жавобгарликка тортилади.

МАҚСАД—ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИШ

● Франция қўшинлари Руандадаги мухолиф кучлар ишига аралашмайди, бу ҳақда сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, деди Франция Республикасининг Бош вазири Эдуар Балладюр.

Унинг сўзларига қараганда, Франция қўшинлари фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учунгина Руандага кирган. Бош вазир француз аскарлари июль ойининг охирида БМТнинг тинчликни сақлаш қўшинлари билан алмаштирилишини ҳам таъкидлади.

КЕНГАШ СЕССИЯСИ БОШЛАНДИ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қароргоҳида иқтисодий ва ижтимоий кенгаш (ИКИК)нинг сессияси бошланди.

Унда дунёдаги турли давлатларнинг иқтисодиёт вазирлари ва халқаро иқтисодий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этмоқда. Сессияда жаҳон иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилади.

ФУҚАРОЛИК ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ҚАЙТА КУРИБ ЧИҚИЛАДИМИ?

● Латвия Республикаси Президенти Гунтис Улманис фуқаролик ҳақидаги қонунни қайта кўриб чиқиш ҳақида қарор қабул қилишга тайёргарлик кўрмоқда.

Латвия фуқаролиги ҳақидаги 21 июнда қабул қилинган қонун халқаро ташкилотларнинг кескин танқидига учради. Мамлакат ҳукумати ҳам Президентга мурожаат қилиб, қонунни тасдиқламасликни, уни қайта кўриб чиқиш учун сеймга қайтаришни илтимос қилди. Уларнинг фикрича, мазкур қонун Латвиянинг Европа Кенгашига кириши ва Европа Иттифоқи билан мустаҳкам алоқа боғлашига тўсқинлик қилади.

ГИЕҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

● Панама полицияси гиёҳванд модда етиштирувчиларга қарши кенг кўламли операция ўтказди.

Натижада Америка Қўшма Штатларига жўнатиш учун тайёрланган 2,6 тонна кокаин қўлга туширилди. Бу гиёҳванд модда Америкада сотилганида наркобизнесчилар 87 миллион доллар фойда кўрар эди. Тадбир давомида Панаманинг ғарбий вилоятларидаги гиёҳвандлар Колумбия наркомафияси билан ҳамкорликда АҚШ, Канада ва Европага наркотик моддалар етказиб бераётгани аниқланди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Муносабат*

МАДАНИЯТГА ҲАМ ИШБИЛАРМОНЛАР КЕРАК

Республикамизнинг мустақиллиққа эришиши сабабли халқ хўжалигининг барча соҳаларида савдо-тижорат ҳамда ишбилармонлик билан шуғулланишнинг даври келди. Яқинда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кўтарилган масалалар кўплаб тижоратчилар қатори маданият ходимларининг ҳам айни дилидаги гап эди. Тошкент Давлат маданият институтининг «Бошқарув ва маданият иқтисодиёти» кафедрасининг мудири, педагогика фанлари номзоди, доцент Аҳмаджон Рўзметов билан суҳбат шу ҳақда бўлди.

— Аҳмаджон ака, янги Фармонинг маданият соҳаси учун аҳамиятини қандай баҳолайсиз?

— Бир қарашда бу фармон халқ хўжалигининг моддий неъмат ишлаб чиқариш соҳаларига алоқадордек туюлади. Бироқ, мазкур ҳужжат диққат билан кузатилса, унинг маданият соҳасига ҳам алоқадор эканига иқрор бўласиз. Узоқ йиллар давомида маданият муассасалари олиб борадиган фаолиятга бир ёқлама ва ўта жўн ёндошилган бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказувчи, маънавий ва маданий бойликларини яратувчи соҳа деб келинди. Аввалари маданият соҳасида мулкчиликка бўлган қарашлар ман этилиб, иқтисодий мавжуд бўлган барча имкониятлар чекланганди. Истеъмолчиларнинг томошаларга нисбатан талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмасдан, маданият фаолияти «танаси»га маъмурий-буйруқбозлик тизими сиғиб кетиши натижасида жамоа аъзоларида мулкка ғалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш тўғрисида ўйлаш улар учун ўта ёт эди. Фойдаланилмаган имкониятлар кўп бўлишига қарамай, давлатдан мадад кутиш кўникмаси ҳосил бўлгандида. Мазкур Фармон эса маданият ходимларида меҳнатга янгича муносабатни шакллантириб, меҳнати эвазига бу соҳада ишбилармон ва тадбиркорликни ривожлантиришга, бозор иқтисодиёти механизмининг турли шакларидан иқтидорли ва иқтисодий билимга қараб фойдаланишга, лўнда қилиб айтганда, шахсий манфаатларни меҳнат натижалари билан уйғунлаштириш имкониятларини яратди.

— Фармондан келиб чиқиб, маданият ходимлари олдида турган энг долзарб вазифалар нималардан иборат, деб ўйлайсиз?

— Аввало бу ҳужжат маданият соҳасини фақат сиёсат «тарғиботчиси» деган тушунчага жузъий ўзгартишлар киритиб, бозор иқтисодиёти муносабатларида молиявий имкониятлардан келиб чиқиб, маданият муассасалари учун зарур ва неракли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш «корхонаси» эканини англатиб, бу жараёнда маданият иқтисодиёти сиёсатдан ҳам устунлиги ва аҳамиятини кўрсатди. Иккинчидан, Фармон маданият муассасалари ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талаби билан боғлаб инқилобий тарзда қайта кўриб чиқишини тақозо этади. Учинчидан, маданият соҳасини жумҳуриятда мавжуд жамғармалар ҳисобига маблағ билан таъминлашнинг қўшимча манбаларини кидириб топиш, маданиятнинг иқтисодий тараққиётининг барча зарур шартларини ишлаб чиқиш ва белгилаб қўйиш, республикада маданият иқтисодиёти юзасидан давлат дастурини яратиш вазифасини кун тартибига қўяди.

— Бозор иқтисодиётига ўтишда кўп укладли иқтисодиётни барқарор этиш, мулк ва мулк муносабатларининг турли шакларига ўтиш ҳам муқаррардир. Шу муносабат билан маданият соҳасини хусусийлаштириш мумкинми? Бу жараёнинг афзалликлари нималардан иборат?

— Маълумки, маданият муассасаларини хусусийлаштиргандан кейин ҳар бир мулкдор ўз фаолияти марказини харидорбоп асарлар билан бойитиш имкони туғилади. Томошаларга кириш нархлари бевосита «харидор»нинг талабини қондириш билан алоқадор, эркин ҳолатда бўлади. Маданият муассасаларияро соғлом рақобат чиқиб, яхши асарларни саҳналаштириш ва ижро этиш сари қадам қўйилади. Мулк ўз эгасини топгандан сўнг, жамоанинг турмуш даражаси ошиб, фаровонлик учун замин яратади. Бунинг замирида эса маданият соҳасининг ободлиги ётади. Хусусийлаштириш жараёни қандай кечади? Фикримизча, маданият муассасаларини хусусийлаштириш уч бандга асосан амалга ошмоғи керак. Давлат тасарруфидаги маданият муассасаларини янги мулкдор сифатида ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган ташкилотларга, акционерлик жамиятларига, хорижий фирмаларга сотиш мумкин бўлиб, мулк эгалари давлат фуқароси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эгадир. Яна бир томони маданий жамоа аъзолари маданият муассасаларини вақтинча ёки бутунлай сотиб олиши мумкин. Бу ҳуқуқлар «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунда ўз аксини топиб, бир қанча имтиёзлар ҳам берилган. Учинчидан, маданият муассасаларини тасарруф этувчилар оилавий пудрат асосида ишлашлари ҳам мумкин. Республикамизда Тошкенбоевлар сулоласини ким танимайди, дейсиз? Бу оила цирк санъатини пудрат асосида тарғибот қилиб, деса муболаға бўлмайди. Шундай бўлгач, Тошкенбоевлар Тошкент давлат циркини оилавий пудрат асосида сотиб олишса бўлмайдими?

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонунларга асосан хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Бироқ, янги ишда хатолар бўлиши турган гап. Буни ҳисобга олиб, келгусида социал адолатсизликка барҳам бериш мақсадида Маданият ишлари вазирлиги, вилоят маданият бошқармалари қошида хусусийлаштиришда мавжуд муаммоларни, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганувчи марказ ташкил этиш давр тақозосидир.

— Фармонда иқтисодиётимизни ривожлантириш омилларидан бири сифатида ишбилармон ва тадбиркорларга кенг йўл берилган. Сизнинг фикрингизча, маданият соҳасидаги ишбилармон қандай хусусиятларга эга бўлмоғи керак?

— Биласизми, мен маданият муассасалари фаолиятини ҳозирги кунда ишбилармонсиз ёки тадбиркорсиз тасаввур қила олмайман. «Ишбилармон» ўз атама мазмунига кўра тижоратчилик фаолиятида масъулиятли масалаларни билимига, тажрибасига, керак бўлса таваккалчилик принципларига асосланиб иш олиб борувчи шахс ҳисобланади. Маданият соҳасининг ишбилармони маданият соҳасида хўжалик юритишнинг шундай механизмини яратиш керакки, у ҳар бир маданият ходимидан манфаатдорлик билан меҳнат қилишни, етиштирилган «маҳсулот»га мустақил эгалик қилишни, сармояларини банкларга қўйиш ёки акция, вексель, сертификат сотиб олишларига яқиндан ёрдам бериши, даромадга қараб буромад қабилида иш тутиши, маблағга яраша яшашни билиш қўникмаларини ривожлантириши керак. Ўз навбатида давлат ҳам ишбилармон ва тадбиркорга елкадош бўлиши лозим.

— Маданият муассасаларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бевосита бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар масаласига бориб тақалади. Шундай экан, бугун республикамизда ишлаётган мутахассислар қай аҳволда, маданият ва санъат ўқув юртлари бу талабларга жавоб бера оладими?

— Тўғри, Президентимиз Фармонидаги муҳим масалалар ва шунга ўхшаш бошқа қонунларнинг ҳаётдаги ечими кўп жиҳатдан мутахассис кадрларни, аввало раҳбар ходимларни тўғри танлаш, жойжойига қўйишга боғлиқ. Жумҳуриятимиз истиқболи ҳар бир мутахассисдан пухта билимига, ижодий фикрлашига, ўз ўрни учун соғлом рақобат кураши олиб бориш хусусиятига эга бўлган кадрлар бўлишини талаб қилмоқда. Шундай бўлгач, эндиликда маданият соҳасига айнан зарур юмушни бажара оладиган кишиларни ёллаш керакдир. Улар ўз хусусиятлари билан янгича фикрлайдиган, жамоани маънавий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамлайдиган тажрибали ва ташаббускор бўлиши лозим. Афсуски, маданият ва санъат ўқув юртларининг бугунги аҳволи, уларда олиб борилаётган ўқув-тарбия жараёни бозор иқтисодиётига етарли жавоб бермайди. Менинг фикримча, бу ўқув юртларнинг режасидан жой олган фанларнинг қирқ фоизидан ортиғи бўлғуси мутахассис касби учун мутлоқ керак бўлмаган нарсалардир. Ўзбек тилида махсус фанлардан ўқув адабиёти етарли эмас. Бозор иқтисодиёти даврида маданият соҳасида юзага келадиган янги вазифаларни бажарувчи иқтисодчи ва молия мутахассислари талаб қилинади. Ҳозир республикамиз маданият ва санъат таълим тизимида бундай кадрлар амалда тайёрланаётгани йўқ.

Миробид МИРКАМОЛОВ суҳбатлашди.

INTERNATIONAL SUCCESS TRAINING SYSTEM

ТОШКЕНТ ОМБОРЛАРИДАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

HERBALIFE

Кўп минг йиллар илгари Хитойда кўкатлардан инсонларнинг тиниқ ақл-заковат ва жисмоний тетиклиги сақлаган ҳолда 100-150 йил умр кўришларига имкон берадиган дори-дармонлар тайёрлаш усулларини билганлар. Яқин-яқинларгача бу усуллар мутлақо унутилиб кетган, деб ҳисоблаб келинди. Бироқ Американинг HERBALIFE компаниси ходимлари Хитойда олиб борган жиддий тадқиқотлар туфайли ўша замонлардаги кўпгина ноёб усуллар топилиб, улар хусусиятларига кўра "Ҳужайраларни Мутаносиб Озиқлантириш" (ҲМО) деб ном олган маҳсулотларда ўз ифодасини топди.

HERBALIFE компанияси фақат ҳар қандай қўшимчалардан холи бўлган тоза кўкатларга асосланган ҲМО маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотларнинг асосий вазифаси инсон танасини ҳужайралар даражасида барча зарур моддалар билан таъминлаш орқали танани унинг иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатувчи, вақт-соатидан илгари чарчаб ва қариб қолишга олиб келадиган ташқи ҳамда ички манбалардан муҳофаза қилишдан иборат.

Заруратга қараб ҲМО учта асосий дастурга асосан қабул қилинади:

1. Тана-организмни тозалаш дастури.
2. Ҳужайраларни озиқлантириш дастури.
3. Озиш дастури.

Профилактика дастури деб аталадиган бу дастурлар ҳар қандай касалликлар ривожланиб кетишининг олдини олиб, уларни бошланғич босқичидаёқ даф этишга имкон беради. Лекин ҲМОни шифобахш муолажалар дастурларига асосан томир касалликлари, глаукома, вена қон томирларининг шишиб кенгайиши, хотиранинг сусайиши, камқонлик, қанд касаллиги, яралар, бод, жинсий аъзолар заифлашуви, тери, аёллар касалликлари, бўғин оғриқлари ва бошқа кўплаб хасталикларга шифо топиш ниятида ҳам қабул қилиш мумкин.

Мақсадга қараб зарур моддаларга илова қилиб бериладиган муайян дастур асосида ҲМОнинг турли мажмуалари қўлланилади. ҲМОни қабул қилишнинг фойдаси тезда сезилади, ундан ҳеч қандай ноқулайлик ёки нохуш ҳис-туйғу вужудга келмайди.

HERBALIFE компаниясининг Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги расмий вакили—"БАКАТИС К" фирмаси. Тошкент шаҳар Шевченко кўчаси, 8-уйда ("Украина" гастраноми яқинида) маслаҳат бериш манзили очилган, у ерда батафсил маълумот олиб, тегишли дори-дармонлар харид қилишингиз мумкин.

Алоқа учун телефонлар: айрим кишиларга маслаҳат бериш манзилида—(3712) 56-04-43, кўтара савдо қилувчи харидорлар учун—"Бакатис К" фирмасида—(3712) 45-59-61, факс: (3712) 45-38-56.

СЎЗ ҲАМ ШИФО

● Дори-дармонлар кескин камайиб кетганлиги сабабли дорихоналар жамоалари номига миннатдорчилик хатлари деярли ёзилмай қўйилди. Бироқ Собир Раҳимов туманидаги 16-дорихонада бу борада тадбиркорлик йўлга қўйилган.

Бу ерда ишлаётган тажрибали доришунослар мижозларни ноумид қайтармасликлари билан ҳурмат қозонишган. Улар мижозни илиқ, самимий қарши олиб, зарур бўлган дори йўқ бўлса, унинг ўрнини босадиган бошқа дорини тавсия этишади ёки бир-икки кун сабр қилишни сўрашади.

— Баъзан дорихоналардан ширин сўзни пулга ҳам тополмайсан,— дейди шу тумандаги Янги турмуш маҳалла қўмитаси котибаси Муҳаббат Исломова.-

Абдулла ТОЛИПОВ.

• *Жаҳон футбол чемпионатида*

КУЧЛИЛАР САРАЛАНИБ ҚОЛДИ

Таъбир жоиз бўлса, йигирма тўрт вагондан иборат «Жаҳон чемпионати» деган тезюрар поезд шитоб билан елиб бормоқда. Зотан, бу поезднинг ҳар бекатда тўхтаб ўтиши охирги вагон, яъни ўз гуруҳида тўртинчи ўринни эгаллаган жамоа учун қимматга тушмоқда. Маълумки, чемпионатнинг дастлабки босқичида олтита гуруҳда кучлилар саралониб, уларнинг курашни давом эттиришига имконият берилади. Ўз гуруҳида тўртинчи ўринни олган жамоа футболчилари эса томошабинга айланадилар.

Бугун бўладиган икки учрашув: Греция—Нигерия, Аргентина—Болгария ўйинларидан кейин биринчи босқич баҳсларига якун ясалади. Гуруҳлардаги бугунги ҳолатга назар ташлайдиган бўлсак, Колумбия, Камерун, Боливия, Греция, Марокаш жамоаларининг мавқелари курашни давом эттиришга етарли эмаслиги кўринади.

Айниқса, «Е» гуруҳида аҳвол ўзгача. Қизиғи шундаки, Италия, Ирландия, Норвегия, Мексика жамоаларида бир хил-тўрттадан очко тўпланган. Ўринларни белгилашда зукко мутахассис мулоҳазаси зарурга ўхшаб турибди. Тўплар нисбатию ғалабалар инобатга олинса керак.

«А» гуруҳида эса Руминия олтита очко билан пешқадамлик қилмоқда. Швейцария ва АҚШ жамоаларида тўрттадан очко бор. «В» гуруҳида еттита очко тўплаган Бразилия футболчилари карвонбоши. Швеция 5 очко билан иккинчи бўлиб турибди. Ҳайтовур Россия терма жамоаси ҳам мухлисларда андак умидворлик уйғотди. Бонси, улар сўнгги учрашувни Камерун футболчилари билан ўтказиб йирик — 6:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Қўлга киритилган уч очко кейинги босқичга йўлланма бериб қолса керак...

Мухлислар ўртасида футболчиларни моддий манфаатдорлик кўпроқ қизиқтирармикан ёки маънавий томон устунроқмикан, деган гаплар юрибди. Агар масала моддий тарафга бориб тақаладиган бўлса, Россия футболчиларининг ҳар бирига 40 минг доллардан ваъда қилинган эди. Агар улар финалгача чиққудек бўлишса, бу қийматни 150 минг долларга етказиш мўлжалланган. Бунинг устига «Анис» қўшма корхонаси Россия терма жамоаси ярим финалга чиққудек бўлса, ҳар бир ўйинчига 25 минг доллардан, финал учун 50 минг доллардан, чемпионлик учун 100 минг доллардан беришни ваъда қилиб турибди.

Бундай маблағлар Камерун футболчиларига ҳам ваъда қилинганди. Чунончи, бу мамлакат футболчиларининг АҚШ чемпионатида иштирок этаётганлиги учун 100 минг доллардан бериш кўзда тутилган. Бордию улар Россия терма жамоасидан устун келишса, қўшимча яна 5 минг доллардан олардилар.

Колумбия терма жамоасининг бу йилги иштирокига футбол қироли Пеле юксак баҳо бериб, омад тилаган эди. Лекин, Колумбия ўз гуруҳида бир ғалаба, икки мағлубият билан кифояланишга мажбур бўлди. Гарчанд чемпионатдаги омадсизлик учун эмас, деб таъкидлашига қарамай, Колумбия футболчилари бош тренери Франсиско Матуранининг барвақт истеъфога чиқишини ҳар ким ҳар хил тушунмоқда. Хуллас, қизғин ва муросасиз баҳслар бошланадиган иккинчи давра ўйинларини мухлислар орзиқиб кутмоқдалар.

Ҳайдар НОСИРОВ.

ҲУҚУҚ ПОСБОНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида БМТ гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича Халқаро дастурининг эксперти Б. Ларуа, БМТнинг гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича дастурининг Ўзбекистон Республикасидаги минтақавий директори А. Майшеклар билан Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция полковниги Ў. Комилов, ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи, милиция генерал-майори Н. Исмоилов ҳамда вазирликнинг масъул ходимлари ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.

Учрашувда жаҳон халқларини ташвишга солиб келаётган, инсониятга оғу элтувчи гиёҳванд моддалари тарқалишининг олдини олиш борасидаги ишларни ҳамкор ва ҳамжиҳатликда олиб бориш зарурлиги ҳусусида ўзаро фикрлашиб олинди. Вазир ўринбосари Ў. Комилов вазирликнинг гиёҳвандликка қарши кураш борасида олиб бораётган ишлари хусусида қисқача гапириб ўтди. Меҳмонлар берган саволларга жавоб қайтарди.

ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бошлиғи Н. Исмоилов эса гиёҳвандликнинг чегара билмайдиган иллат эканлигини, уни ўз вақтида ҳамкорликда бартараф этмаса, бу қабиҳ иллат нафақат жамият, миллат ва элатлар учун, балки уларнинг келажак авлодлари учун ҳам оғир асоратлар қолдириши мумкинлигини таъкидлади.

Меҳмонлар гиёҳвандликка қарши курашда, гиёҳванд моддалари тарқалишининг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг МДҲ мамлакатлари орасида пешқадамлик қилаётганини таъкидладилар.

Шуҳрат РЎЗИЕВ, республика ИИВ Матбуот маркази ходими.

Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой



Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LC475- ҳар хил корхоналар учун энг мос, энг қуватли компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер қуйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси миқдори - 4 Мб; қаттиқ диск миқдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб миқдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги : $1495

Телефон: 32-38-68

ABSYS- бу Apple Computer, Inc. корпорациясининг Ўрта Осиё давлатларидаги расмий дистрибьюторидир.

Apple расмий дилерлари - Нурон,Ltd.- 67-22-08; ВаДиМ, Ltd.- 33-14-19; TEKNESIS-INFO консорциуми - 67-19-10; "Ўзбексавдо" ДАА РИХМ -39-40-48.

ABSYS Authorized IMC

© 1991 Apple Computer, Inc. All Rights Reserved. Apple and the Apple logo are registered trademarks of Apple Computer, Inc.

«ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ» ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Профессор ўқитувчиларнинг бўш ўринларини тўлдириш мақсадида ўзбек ва рус тилини биладиган профессор-ўқитувчилар учун кафедра мудирлиги ва ўқитувчилик лавозимлари бўйича битим асосида танлов

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: сиёсатшунослик, генетика, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари анатомияси, физиология ва ветеринария асослари, ўзбек тили ва адабиёти; қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, маданият, ижтимоий психология ва педагогика; микроиқтисодиёт, иқтисодиёт назарияси, молия, банк, баҳо тизимлари ва ҳуқуқ, бухгалтерия ҳисоби.

ПРОФЕССОРЛАР: фалсафа — 0,5; бухгалтерия ҳисоби — 0,5.

ДОЦЕНТЛАР: сиёсатшунослик: Ўзбекистон тарихи, ўсимликлар физиологияси ва биокимё, тупроқшунослик — 0,5.

АССИСТЕНТЛАР: деҳқончилик, ўсимликшунослик, фитопатология ва микробиология.

Танлов муддати — эълон босилиб чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида битим бўйича танлов низоми асосида ҳужжатларни қуйидаги манзилгоҳга топширилади: Тошкент шаҳри, «Халқлар Дўстлиги» орденли Тошкент Давлат аграр университети.

Тошкент шаҳридаги «Акмал Икром савдо» акционерлик жамияти 1994 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди. Рўйхатдан ўтиш тартиб № 44.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, юридик фанлари доктори, профессор И. Ҳакимовга синглиси **КОМИЛАХОН** аянинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

А. Р. Беруний номли ТошДТУнинг ректорати, «Нефть ва газ» факультети жамоаси шу факультетнинг «Саноат экологияси» кафедраси мудири, профессор О. С. Сафоевга онаси **РАҲИМА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти раҳбарияти, касаба уюшмаси ва биокимё кафедраси жамоаси биокимё кафедраси доценти Музаппаров Раҳматуллага волидаи муҳтарамалари **Раҳбарой ЮСУПХЎЖАЕВА**нинг вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» нашраси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.30
Г—939 85501 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, М. ҚИЁМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.